O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY [illegible] PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 3 июнь, № 108 (4518) Сешанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июнь куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси Ричард Баучерни қабул қилди.**



Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлиги халқаро ва минтақавий сиёсатга доир, жумладан, трансмиллий таҳдидларга қарши кураш ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид кенг кўламли масалаларни қамраб олади.

Икки томонлама муносабатларда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка устувор аҳамият берилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини элликдан зиёд ҳужжат, жумладан, 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ташкил қилади.

Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш ҳамда ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш борасида ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Р. Баучер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ф. Ш. АКБАРОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Фарида Шораҳимовна Акбарова** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 2 июнь

## БОЛАЛАР БАЙРАМИ

***Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан байрам томошалари бўлиб ўтди. У Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Байрамга шаҳримиздаги Меҳрибонлик, Мурувват уйларининг тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари таклиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлод келажаги ҳақида ғамхўрлик кўрсатишга давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида аҳамият берилаётганини, ёшлар манфаати давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳамиша эътиборида эканини таъкидлади. Таълим-тарбия, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий соҳаларда изчиллик билан татбиқ этилаётган дастурлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бунинг ёрқин далилидир.

Бу "Ёшлар йили" Давлат дастурининг ижросида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар янада чуқурлашиб, реал талабларга монанд кадрлар тайёрлаш, ёшларга оид барча масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби йўналишлардаги ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар ташкил этилди.

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги боғида ўтган тадбирда ҳам ранг-баранг концерт дастурлари, асфальтга расм чизиш танлови, "Қувноқ стартлар" мусобақалари, "Тошкент тарихини биласизми?" интеллектуал беллашуви, бадиий кўргазмалар ўтказилди. Болаларга байрам совғалари улашилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани Қипчоқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида асосий эътибор аёллар ва ёшларни иш билан таъминлашга қаратилди.***

## КОЛЛЕЖДА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Туман ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш маркази, прокуратура, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу ярмаркада 35 корхона ва ташкилот юздан зиёд бўш иш ўринларини таклиф этди. Ярмаркада иштирок этган талабгорлардан 82 нафари ўз йўналишлари бўйича иш билан таъминланди. Тадбирга таклиф этилган мутахассислар меҳнат қонунчилиги, ташқи меҳнат миграцияси сингари масалалар юзасидан маслаҳат ва тавсиялар берди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида йил бошидан буён туманда бир минг 286 киши иш билан таъминланди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**2008 йил — Ёшлар йили**

***«Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ, Фарғона туманида "Аёллар ва ёшлар гиёҳвандлик, жиноятчилик ҳамда терроризмга қарши" шиори остида дўстлик форуми бўлиб ўтди.***

## ШУ АЗИЗ ВАТАН – БАРЧАМИЗНИКИ!

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда тегишли муассаса, идора ва ташкилотлар вакиллари, илғор ёшлар, талаба ва ўқувчилар иштирок этди.

Юртимизда ёш авлод камолоти, уларнинг замон талаблари даражасида билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши, ўз салоҳияти ва имкониятларини намоён этиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Ана шундай чора-тадбирлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларда, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг ўрни ва иштироки тобора кенгайиб бораётир. Соғлом фикрли, иқтидорли ёшларни эл-юрт манфаати йўлида бирлаштиришда бундай маънавий-маърифий тадбирлар катта аҳамиятга эга.

Форумда сўзга чиққанлар юртимизда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш борасидаги ишлар, ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида сўз юритди. Улар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик сингари иллатларга қарши курашиш устувор вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўқувчи-ёшларнинг ушбу мавзулар акс эттирилган суратлар кўргазмалари, саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди. "Шу азиз Ватан — барчамизники!" мавзусида ўтказилган иншолар танлови ғолибларига эсдалик совғалари топширилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ҳарбийларнинг чиқишлари тадбирга янада файз бағишлади. Турли тилларда она-Ватанни, тинчлик ва дўстликни madҳ этувчи қўшиқлар янграды.

Форумда Фарғона вилояти ҳокими М. Ғофуров иштирок этди.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН ЛОНДОНДАГИ БАҲОР ЯРМАРКАСИДА

***Лондонда 49 — халқаро баҳорги ярмарка бўлиб ўтди. Тадбир меҳмонларининг диққат-эътиборига мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонаси кўмагида ташкиллаштирилган Ўзбекистон миллий экспозицияси ҳавола этилди. Анжуман иштирокчилари ва меҳмонлари халқимизнинг бой тарихий-маданий меросини акс эттирувчи қизиқарли маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.***

Мазкур ярмарка Буюк Британия пойтахтида ҳар йили ўтказиладиган йирик хайрия тадбирлари сирасига киради. Анжуман Лондоннинг Кенсингтон-Челси ҳудуди мэрлиги биносида «Бирлашган Қироллик халқаро ижтимоий хизмати» (ISS UK) томонидан ташкил этилади.

Тадбирда Ўзбекистон элчихонаси билан бир қаторда жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатлари дипломатия миссиялари, шунингдек, Буюк Британия муассасалари ва халқаро ташкилотлар иштирок этди.

Кўргазманинг Ўзбекистонга бағишланган бўлимида намойиш этилган халқ амалий санъати намуналари, кулолчилик буюмлари, зардўзи чопонлар, ёрқин рангдаги шойи матолар ҳамда бошқа маҳсулотлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

**▼ Дунё нигоҳи**

Ярмарка раиси Элизабет Янг кўргазмада намойиш этилган ўзбекистонлик усталар томонидан яратилган маҳсулотларнинг гўзаллигию нафислигини юқори баҳолади. Шунингдек, у диёримизнинг улуғвор ва кўҳна шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентни томоша қилиш учун Ўзбекистонга сафар қилиш ниятида эканини баён этди.

Буюк Британиянинг ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича ташкилоти ходими Тина Морриснинг сўзларига кўра, Ўзбекистон бўлимидаги экспонатлар ўзбек халқининг бой маданий анъаналарини акс эттиради.

— Яқинда мен Буюк Британия музейида ўтказилган Ўзбекистон ва Буюк Ипак йўлидаги бошқа давлатлар тарихи ҳамда ҳозирги кунига бағишланган кўргазмани катта қизиқиш билан кўздан кечирган эдим. Бугунги ярмаркада мен юртингиз ҳақида янада кўпроқ маълумот олдим ва энди бу ажойиб заминга сафар қилишни орзиқиб кутаяпман, — деди Т. Морис.

Ярмарка ташкилотчилари ва меҳмонларининг фикрича, анжуманда Ўзбекистон экспозицияси ўзининг бетакрорлиги, ранг-баранг ва жозибадор тарзда безатилгани, маълумотларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турди. Анжуманда бу каби маданий тадбирлар халқлар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

**«Жаҳон» АА.**
Лондон шаҳри.

***2 июнда Ўзбекистон терма жамоаси 2010 йил Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати учинчи саралаш босқичи доирасида сафарда Сингапур футболчиларига қарши майдонга тушиб, йирик — 7:3 ҳисобида муҳим ғалабага эришди.***

## ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

**▼ Хушхабар**

Миллионлаб ўзбекистонлик футбол ишқибозларига олам-олам қувонч бахш этган тўпларни Сервер Жепаров (2 та), Тимур Копадзе, Виктор Карпенко, Виталий Денисов, Азиз Ибрагимов ва Максим Шацкихлар киритди. Шундай қилиб, мураббий Рауф Инилеев бошчилигидаги футболчиларимиз 9 очко билан гуруҳда якка пешқадам бўлиб олди ва ҳал қилувчи тўртинчи саралаш босқичига чиқиш масаласини деярли ҳал қилишди. Эслатиб ўтамиз, гуруҳдан иккита жамоа кейинги босқичга йўл олади. Терма жамоамиз бундан олдин Ливан футболчиларини 1:0, Саудия Арабистони термасини эса 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратган эди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

***Термиз шаҳрида «Ўзавтосаноат Лизинг» компаниясидан лизинг асосида сотиб олинган 30 та «ISUZU» русумли автобус аҳолига хизмат кўрсата бошлади.***

## Сурхон йўлларида «ISUZU»



Бинобарин, авваллари аҳвол мутлақо бошқача кўринишда эди. Шаҳарнинг қатор йўналишларида эски РАФ ва ЕРАЗ русумли автоуловлар қатнар, эскилиги туфайли йўлларда бузилиб қолар, натижада йўловчилар норозилигини келтириб чиқарарди.

Шу маънода, «Шаҳар йўловчи транс» давлат унитар корхонаси томонидан сотиб олиниб, йўналишларга қўйилган янги автобуслар аҳоли талаблари ва эҳтиёжларига мос тушди. Энг муҳими, шаҳар ҳудудида кўрсатилаётган хизматлар учун арзон нарх белгиланди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, афғон уруши қатнашчилари, муайян имтиёзга эга бўлган шахслар бу автобусларда бепул юрадиган бўлишди. Қолаверса, ушбу эзгу иш самараси ўлароқ, 60 нафар киши иш билан таъминланди.

**Саид МАЛИКОВ.**

**СУРАТДА:** янги автобуслар ва махсус кийимлар билан таъминланган ҳайдовчилар.

***Навоий вилояти темир йўл бўлими ўтган йили хизмат кўрсатиш натижаларига кўра, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.***

## Темирйўлчилар – диплом соҳиби

Бу ишчи ва хизматчиларнинг самарали меҳнати натижасидир. Эътироф этиш керакки, Қизилқум сарҳадларидан ўтган "Навоий-Учқудуқ-Мискин-Нукус" темир йўлининг вилоят ҳудудидаги қисмида ўндан зиёд янги станциялар, кўприклар, сув узатиш йўллари, электр тармоқлари, турар-жой даҳалари барпо этилди. Айни пайтда "Тинчлик" ва "Мискент" станциялари оралиғидаги 400 километрлик янги темир йўл қурилишида бир кеча-кундузда 1500 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қишлоқда маслаҳат маркази

*Қуйичирчиқлик фермер Шуҳрат Субонов бултур 120 гектар майдондаги пахта ва ғалладан мўл ҳосил кўтариб, 15 миллион сўмлик соф фойда кўрганди.*

Унинг маълум қисмини жамоа аъзолари меҳнатини рағбатлантиришга ва хўжалиги моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қолганини эса хайрли ишлар учун ажратди. Чунончи, Беруний номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида Қишлоқ бизнес маслаҳат марказининг янги филиали қурилишига сарфлади.

Бу шохобчада фермерлар соҳа янгиликларидан бохабар бўладилар. Шунингдек, замонавий техника-технологиялардан фойдаланиш, банклар билан алоқа ўрнатиш юзасидан фойдали маслаҳат ва тавсиялар оладилар.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Андижондаги «Ўз Сем Юнг» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасининг ташкил этилганига ўн йил бўлди.***

## Янги қувват, қўшимча маҳсулот

Бу жамоа «GM-Ўзбекистон», «Ўз Тонг Хонг», «Ўз Корам Ко», «Ўз Донг Вонг», «Sam Avto» қўшма корхоналарига автомобилларнинг ёнилғи баклари, «Нексия»нинг тўққиз турдаги ички панелли ҳамда штампланган қисмларини етказиб бермоқда.

«Ўз Сем Юнг»да яқинда янги пресслаш цехи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жанубий Кореянинг «КМС» компанияси агрегатлари билан жиҳозланган мазкур цехда маҳаллий ёшлардан 60 нафари ишлаб, йилига 270 дона маҳсулот тайёрлайди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Бир рақам шарҳи**

## КАСАНАЧИЛИК ТОБОРА РИВОЖЛАНМОҚДА



**2008** йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда касаначилик асосида салкам **55** мингта янги иш ўрни яратилди.

**Ўрта ва йирик корхоналар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналари билан кооперацияни йўлга қўйиш орқали касаначиликни ривожлантириш бўйича олиб борилган фаол ишлар туфайли шундай натижага эришилди.**

**Мамлакатимизда болаларни ҳимоя қилиш, уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мустақиллик йилларида ушбу соҳада болаларнинг ҳуқуқларини белгиловчи мукаммал қонунчилик асослари яратилди. Хусусан, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши жамиятда фарзандларимизнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш, бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва кафолатларининг аниқ механизмлари яратилишини таъминлади. Шу билан бирга, Қонунда БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциясида назарда тутилган боланинг асосий ҳуқуқлари мажмуаси мустаҳкамланди ва унинг асосий тамойиллари ҳамда қоидалари миллий қонунчилигимизга уйғунлаштирилди.**

# БОЛА ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ

## Давлат сиёсатининг устувор йўналиши

Шунингдек, миллий қонунчилигимизда БМТ Бош ассамблеясининг 1996 йилда бўлиб ўтган болалар меҳнатини йўқ қилишга бағишланган халқаро конференцияси резолюцияси, 1956 йилда қабул қилинган Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча конвенцияларда кўрсатилган шу йўналишдаги халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам ўз ифодасини топган.

Меҳнат муносабатларида бола ҳуқуқларининг кафолатланиши масалалари тўғрисида гап кетар экан, биринчи навбатда, бу соҳада қонунчилигимиздаги устуворликлар тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Бу устуворликлар, албатта, халқимизнинг шу соҳадаги қадриятлари, бола тарбиясидаги анъаналарини назарда тутади. Болалар ва ўсмирлар томонидан уларнинг соғлиғи ва ривожланиши учун таъсир йўқ, шунингдек, таълим олишга тўсқинлик қилмайдиган ишларни бажариш ижобий ҳол деб баҳоланади. Бундай иш турлари болаларнинг ўз ота-оналарига уйда ёки оила ишида ёрдам беришлари, мактабдаги дарсларидан сўнг ҳамда таътил кунларида ўзлари учун зарур харажатлар учун пул ишлаб топишлари каби меҳнат турлари билан таснифланади. Бундай меҳнат болалар тарбиясига ҳам, оила фаровонлигига ҳам ёрдам бериш билан бирга, боланинг келажакда жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун зарур тажриба ва кўникмалар олишида ҳам катта аҳамият касб этади.

Шу маънода ишонч билан айтиш мумкинки, меҳнат муносабатларидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг бола ҳуқуқларида кафолатланиши миллий қонунчилигимизда алоҳида эътиборга олинган.

Негаки, буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида, Меҳнат Кодексининг 239, 247- моддаларида, Оила кодексининг 67-моддасида, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"-ги Қонуннинг 20-моддасида, "Таълим тўғрисида"ги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги қонунларда мустаҳкамлаб берилган.

Шунингдек, бу борада ҳукуматимиз томонидан 2007 йил 15 январда тасдиқланган "Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат Дастури" тўғрисида ҳам айтиб

**▼ Мушоҳада**

ўтиш лозим. Дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари ичида 2007-2011 йилларда қисман иш куни шартлари асосида устозлик, квота ажратиш, ишга жойлаштириш имкониятларини эътиборга олиш, меҳнат қонунчилигига мувофиқ вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат ва дам олиш оромгоҳларини ташкил этиш, касб таълимини олган ёшларни ишга жойлашиши ва бандлигини тезлаштириш, ишлаётган ўсмирларнинг меҳнат шароитлари мониторингини такомиллаштириш белгиланмоқда.

БМТнинг Ўзбекистон ҳам иштирок этган Бош Ассамблеясининг сессияларида "Минг йиллик Декларацияси", "Болалар яшаши учун яроқли дунё" каби ҳужжатлар қабул қилиниб, бу ҳужжатларда шу йўналишдаги Ўзбекистон тажрибаси ҳисобга олинди. Шу билан бирга, БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитасининг 42-сессиясида Ўзбекистоннинг иккинчи миллий маърузаси асосида қатор тавсиялар ишлаб чиқилди. Уларда болалар фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича умумий ҳаракатлар ва йўналишларнинг янги мўлжаллари глобал миқёсда белгилаб берилди.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ратификация қилинган "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги Конвенциялар ҳам мамлакатимиз миллий қонунчилигини шу йўналишда янада мукаммаллаштириш ҳамда Президентимиз томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши, бу борада белгиланаётган устувор йўналишларда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконини янада кенгайтиради. Халқаро Меҳнат ташкилоти иқтисодий сиёсатни бандлик нуқтаи назаридан ўрганиш, меҳнат унумдорлигини кўтариш масалалари билан бирга, оналикни ҳимоя қилиш, болалар меҳнати ҳақида қонунлар ва иш ўринларида хавфсизликни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Юқорида тилга олинган иккита Конвенция ана шу фикримизнинг яққол далилидир.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, дунё мамлакатларида ўзини ва оиласини боқиш учун 250 миллион бола меҳнат қилмоқда. Улар тинка-мадорни қуритадиган ва кўпинча хавфли фабрика ишларини бажаришаяпти. Уйларга бориб хизмат кўрсатадилар, шаҳар кўчаларида турли оғир хизматлар билан шуғулланишмоқда. Уларнинг аксарияти жинсий эксплуатациянинг ошкора таъсирига ҳам тушиб қолмоқда.

ЮНИСЕФ алоҳида дастур асосида бундай болаларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг билим олишларини таъминлашга, маслаҳат ёрдами кўрсатишга ва парвариш қилишга кўмаклашиб келмоқда. Шунингдек, бу ташкилот болаларни эксплуатация қилишга қарши фаол курашиб, уларнинг оғир ҳамда хавфли меҳнатига барҳам бериш борасида амалий фаолият олиб бораётир.

Таъкидлаш лозимки, ЮНИСЕФнинг ижтимоий мониторинг ва бошқа тадқиқотларида Ўзбекистонда болаларнинг соғлиғини асраш, уларни касбга йўналтириш борасида давлат харажатлари ҳажми бўйича Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катта кўрсаткичга эришган. Оналар ва болалар фаровонлигининг айрим жиҳатлари юзасидан мамлакатимиз Халқаро форумларнинг яқин келажак учун ишлаб чиққан тавсияларида ҳам алоҳида эътироф этилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимиз парламентидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам бу борада олиб борилаётган изчил ишлар ўз самарасини бермоқда.

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

**▼ Депутат ва ҳаёт**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига асосан, ўтган ҳафтада депутатлар сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан мулоқотлар ўтказишди. Учрашувлар чоғида парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар, ҳаётга татбиқ этилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, аниқ мақсадга йўналтирилган давлат дастурларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз юритилди. Мухбирларимиз ўша учрашувлар ҳақида хабар қилишади.*

# ФАОЛ, ОШКОРА, ҚИЗҒИН

Қашқадарё вилоятидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар ўз сайловчилари билан учрашувларда мамлакат парламентининг қонун ижодкорлиги, амалдаги ҳужжатлар ижроси билан ўз электоратини яқиндан таништирдилар.

109-Касби сайлов округидан сайланган депутат Анвар Шукуровнинг сайловчилар билан мулоқотлари, айниқса, қизғин ўтди. Миришкор туман ҳокимлигида ҳамда Касби туманидаги 44-ўрта мактабда сайловчилар вакиллари билан учрашувда депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти тўғрисида батафсил сўз юритди. Шунингдек, депутатлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини, қабул қилинаётган қонунлар аҳамиятини тушунтириш, "Ёшлар йили" Давлат дастурини рўёбга чиқариш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-сонли Нукус академик лицейида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари Гулистон Аннақиличева, Улуғбек Жалменов, Пўлат Рейимов ва Мамит Асқаровларнинг сайловчилар билан учрашуви ниҳоятда жонли ўтди. Мазкур учрашувда сайловчилар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича депутатларга мурожаат қилдилар. Чунончи, учрашув қатнашчилари Қорақалпоғистонда экотуризмни ривожлантириш, таълим тизимидаги айрим масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирдилар.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Акром Каримов ва Тўрабой Назаровларнинг сайловчилар билан учрашуви Тошкент банк коллежида бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор парламентда қонун ижодкорлиги соҳасидаги янгиликлар, халқ манфаатини ифода этувчи ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш мавзуларига қаратилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, маълум бир соҳани эгаллашларида кўмакчи бўлиш бугунги сиёсатимизнинг муҳим қисмига айлангани таъкидланди. Чунки ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни юртга садоқат руҳида тарбиялаш ҳозирги ва эртанги кунимизнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Депутатлар шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, парламентимиз фаолияти, унда қабул қилинаётган қонунлар, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида йиғилганларга батафсил гапириб беришди. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши эса бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб бергани эътироф этилди. Ўз ўрнида, сайловчилар ҳам шу хусусда фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**М. НИГМАТОВА.**

Доимий асосда ишловчи Қонунчилик палатаси депутатлари вақти-вақти билан ўзлари сайланган округларда сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилишлари, аввало, давр тақозо этаётган қонунларни ишлаб чиқишда жуда қўл келади. Хоразм вилоятидан сайланган депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида бу фикр яққол тасдиғини топди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Клара Жумамуротова ва Ражаббой Рўзметовларнинг сайловчилар билан Урганч шаҳрида ўтказган учрашувларида мамлакатимиз қонунчилиги, янги қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. Шунингдек, депутатлар сайловчиларга ўз фаолиятлари ҳақида ҳам ахборот бердилар.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Парламент қуйи палатаси депутати Абдуманноп Раҳимов 18-Булоқбоши сайлов округи ҳудудида жойлашган маҳаллалар, ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, сайловчилар билан мулоқот ўтказди.

Учрашувларда асосий эътибор мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятига қаратилди. Шунингдек, юртимиз маънавий-маърифий соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, уларнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида ҳам сўз юритилди. Айни пайтда депутат учрашувлар чоғида Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда бу ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Айтиш жоизки, қуйи палата аъзоларининг ҳар бир учрашувлари ўзига хос таассуротларга бой бўлди. Ушбу мулоқотларнинг доимий тарзда давом этиши қонун ижодкорлиги фаолиятига муҳим асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.***

**▼ Фармон ва ижро**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони юзасидан жойларда илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Президентимиз раҳнамолигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, аввало, ёш авлоднинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида изчил ислоҳотлар олиб борилаётганини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Суд ҳокимияти мустақиллигининг таъминланиши, жиноий жазоларнинг либераллашуви, ярашув институтининг жорий қилиниши, 2008 йилнинг январидан ўлим жазоси бекор қилиниб, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгани жамиятимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилганидан далолат беради. Бундан ташқари, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда барча болаларнинг, айниқса, ижтимоий кўмакка муҳтож, ногирон, қаровчиси йўқ ўғил-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда бола ҳуқуқларининг кафолатлари" мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда шулар хусусида сўз борди.

Вилоят ҳокимлиги, қатор ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган анжуманда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)нинг Қашқадарё вилояти бўйича минтақавий вакили Муродулла Нормуродовнинг айни мавзудаги маърузалари тингланди

Семинарда Қашқадарё вилояти ҳокими Н. Зайниев сўзга чиқди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ГИЛАМЧИ ҚИЗЛАР БАХТИ

***— Беш йилдирки, гиламдўзлик билан шуғулланиб келаман, — дейди Бухоро шаҳрида яшовчи ёш ҳунарманд Истатой Яхшиева. — Шу ҳунарга меҳр қўйиб кам бўлганим йўқ. Маҳсулотларимизга хориж бозорида талаб бор. Ҳатто интернет орқали буюртмалар олаяпмиз.***

Бу қиз танлаган ҳунар бениҳоя катта сабр-тоқат, диққат-эътибор ва ижодий ёндашувни талаб қилади. Дейлик, 60х70 сантиметр ҳажмдаги гиламчани тўқиш учун ҳунарманд уч-тўрт ой вақт сарфлайди. Лекин буюртма кўнгилдагидек адо этилиб, гиламдаги рангин нақшларни кўрганингда чарчоқ унутилади.

— Бизда гиламдўзлик, кулолчилик, кандакорлик, зардўзлик каби ҳунарлар азалдан ривож топган, — дейди Бухоро давлат музей-қўриқхонаси масъул ходими Баҳром Насимов. — Х асрда яшаган буюк тарихнавис Муҳаммад Наршахийнинг ёзиб қолдиришича, Бухорода гилам ва гиламдўзликка оид матолар тўқийдиган махсус устахона — дўконлар бўлган. Имом Бухорий замонларида Бухоро шаҳристонининг шарқий томонида «Байт-ут троз» растаси бўлиб, унда асосан гилам тўқийдиган усталарнинг дўконлари жойлашган.

**▼ Интилиш**

Дарҳақиқат, юртимиз ҳунармандлари тўқиган гиламлар бозори ҳамиша чаққон бўлган. Жумладан, 1990 йилда Арендоренко томонидан тўпланган Марказий Осиё гиламлари коллекцияси Европада катта шов-шув бўлгани бежиз эмас. 1915 йилга қадар бундай кўргазмалар Россия ва Европа шаҳарларида 46 бор ўтказилгани инобатга олинса, табиий бўёқлар ишлатилган, табаррук юртимизнинг ўзига хос руҳи акс этган гиламлар хорижликларни ҳайратга солганига шак-шубҳа йўқ.

— Диққатга молик жиҳати шундаки, — дейди Баҳром Насимов. — Тўй бўлиш арафасида қизлар сеплари учун ўз қўллари билан гилам тўқишган. Бундай гиламни «қизгилам» деб аташган. У сотувда бўлмаган. Чунки қизгиламни сотиш ор саналган. Яна бир гап. Гилам тўқиш учун ҳар қандай жун ҳам яроқли деб топилавермаган. Бунинг учун махсус боқилган қўйлар бўлиб, уларни «гилам қўй» деб атаганлар...

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимизнинг ажралмас бир бўлаги саналган ҳунармандчиликка эътибор тубдан ўзгарди. Унутилаёзган ҳунарлар қайта тикланди.

— Ота-боболаримизнинг энг яхши анъаналарини давом эттириб, юртимиз гиламлари довруғини оламга ёйиш ниятидамиз, — дейди ёш бўлишига қарамай қатор танловларда совриндорлар сафидан ўрин олган Истатой Яхшиева. — Бунда биз, ҳунармандларга яратиб берилаётган шарт-шароит, ғамхўрлик қўл келади. Яхши ниятлар билан қизгиламлар тўқиладиган юртимизнинг эртаси нурафшон ва гўзал.

Нима ҳам дердик. Ёш, изланувчан бу ҳунарманд қизнинг самимий сўзлари кўнгилларга гилам нақшларидек нақшланиб қолса, ажабмас.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҒАЛЛА ЎРИМИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТМОҚДА

***Айни кунда Шеробод тумани ғаллакорлари етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ниятида ўрим-йиғим ишларини авж олдиришган.***

**▼ Мавсум**

Бу ишда улар билан бирга туман машина-трактор парки жамоаси елкама-елка меҳнат қилмоқда. Ушбу жамоа мавсумда 13366 гектар майдондаги ғалла ҳосилини ўриб олади.

Эллик етти нафар комбайнчи 16 отрядга бўлиниб, икки сменада меҳнат қилмоқда. Ўрилган ғалла ҳосили эса пешма-пеш хирмонларга жўнатилаётир. Ғалла ўрими, айниқса, «Таллошкон» фермерлар уюшмасига қарашли Жуманазар Холмирзаев фермер хўжалигида жадал суръатларда давом эттирилди.



**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

# ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Учқудуқ туманида 2008 йилнинг 1-чораги давомида 15 та хизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилиб, 41 та янги иш ўрни яратилди. Шу мақсадда 217 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Янги муассаса жамоалари эндиликда туман аҳлига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

**Г. БОЛОТОВА.**

# ЖАСОРАТ ВА ШИЖОАТ МАКТАБИ

***Рустам болалигидан спортга бўлган муҳаббати боис чиниқиб ўсди. У каратэ-до ҳамда кураш билан мунтазам шуғулланарди. Бу йигитга ёшликдан одат бўлиб қолган: эрта тонг маҳали — кун ёришиб улгурмасидан, икки-уч чақирим масофага югуриб, бадантарбия қилмаса, кўнгли жойига тушмайди. Табиатан қатъиятли ва ўз мақсади сари дадил интилувчи Рустам тартиб-интизомли ҳаётга, соғлом турмуш тарзига риоя этиб яшашни канда қилмайди.***

Шу боис ҳам у мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш асносида жисмонан чиниққанлиги, иродаси мустаҳкамлиги туфайли ҳарбий машғулотлар жараёнида ўзининг ҳар томонлама салоҳиятли инсон эканлигини намоён эта олди. Ота-онаси, тарбия берган устозлари ҳарбий қисм раҳбариятидан кўп бора ташаккурнома олишди.

Бугун Рустам Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси. Йигитлик бурчини сидқидилдан адо этганлиги учун ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсиясига мувофиқ, тест синовларида қўшимча имтиёздан фойдаланди. Шу тариқа вобкентлик йигит мустақил ҳаёт остонасидаги энг асосий орзуларидан бири бўлмиш талабалик бахтига муяссар бўлди.

Бугун армия мактабини ўтаб, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топаётган ёшларимиз кўп. Шуни қувонч билан эътироф этиш мумкинки, бундай баркамол ўғлонларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Эндиликда Қуролли Кучларимизда хизмат қилиш кўпчилик ёшларнинг орзусига айланган. Негаки, бугунга келиб ҳарбий хизмат нафақат Ватан олдидаги шарафли бурч, шу билан бирга, ифтихор ила фаолият юритса арзийдиган касблардан бирига айланди.

Хўш, мазкур муваффақиятларга биз ўз-ўзидан эришдикми? Шубҳасиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар профессионал армиямиз ҳаётида бекиёс янгиланишларни юзага келтирди. Миллий армиямиздаги бундай ислоҳотлар ўз ўрнида жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари томонидан ҳам эътироф этилаётганлигига гувоҳмиз.

Юртбошимиз ўз маърузаларидан бирида шундай дегандилар: "Агарки мендан, янги армиянинг эскисидан фарқи нимада, деб сўрашса, ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилаётган мутлақ принципиал ўзгаришлар, мақсад ва вазифалар билан бир қаторда, Қуролли Кучларимизда ҳукм сураётган соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, машаққатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ва эҳтиромда деб айтган бўлардим".

**▼ Бурч**

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш, уй-жой билан таъминлаш, ҳарбийларимизнинг иш ҳақини ошириш, уларнинг халқ ва давлат олдидаги хизматларини муносиб мақом ва мавқега кўтариш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу ўз ўрнида, армия тизими ва унда хизмат қилаётган ҳарбийлар ҳаёти учун зарур бўлган мутлақо янгича, мукаммал шарт-шароитлар яратилишида муҳим омил бўлаётир.

— Ўғлим айни пайтда Фарғонада ўзининг йигитлик бурчини ўтамоқда, — дейди пойтахтлик Мамлакат Шоисматова. — Уни кўргани бир неча марта бордик. Ҳарбий қисм раҳбарияти бизни аскарларга яратилган шароитлар билан таништирди. Ётоқ жойлари ораста. Ошхонаси замонавий. Сафда тизилиб турган аскарларнинг кийимлари тоза-озода. Ўғлимга ҳарбий либос ярашибди. Унинг қадди-қоматини янада очиб юборгандек, назаримда. Одатда, ҳар бир она ўз оиласидан узоқда бўлган фарзандидан доим хавотирланади. Лекин бундай хавотир бизда йўқ. Чунки ўғлим Сарваржон каби барча ёшлар ўз Ватани олдидаги йигитлик бурчини шараф билан уддалашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳарбийларимиз ҳаётидаги муҳим ва қувончли воқеалардан бири бўлди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг яна бир жиҳати шундаки, ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ тест синовида керакли балл тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган абитуриентлар таълимнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техника йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Имтиёзлар шу билангина чекланиб қолмаган. Қарорда кўзда тутилганидек, бугунги кунда "Камолот" ЁИҲ томонидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг 35 фоиз тўлов шартномаси амалга оширилмоқда. Бундай ғамхўрликдан баҳраманд ёшлар сони 2006-2007 ўқув йилларида 2700 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи чораги ҳисоби бўйича улар 6 минг нафардан зиёдни ташкил қилди. Мазкур кўрсаткич ҳам ҳарбий хизматчиларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик, ёшларимиз келажаги йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар тасдиғидир.

— Хизматдан қайтганимга бир ойча бўлди, — дейди термизлик Исомиддин Латипов. — Тўғриси, у ердаги кунларимни соғинаман. Спорт билан шуғулланишга барча имкониятлар — машқ заллари, ҳовуз, зарур жиҳозларга эга стадион муҳайё. Ҳарбий машқлардан бўшаган пайтларимизда маънавият хонасига ошиқардик. Бу ерни ҳақиқий зиё маскани, дейиш мумкин. Истаган китобингизни қисмимиз кутубхонасидан топишингиз тайин. Қолаверса, компьютерлар билан жиҳозланган. У ерда жуда кўплаб дўстлар орттирдим. Мана, хизмат ҳам ўтди-кетди. Лекин шу ўтган бир йиллик умрим менинг ҳаётимда катта из қолдирди. Ҳозир ўқишга киришга қизғин тайёргарлик кўраяпман.

Мудофаа вазирлиги ва "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида ишлаб чиқилган "Ёш ҳарбий оила дастури"га мувофиқ, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ижтимоий ва моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ҳарбий шаҳарчалардаги махсус савдо шохобчаларида турли мебеллар, телевизор, музлаткич, чангютгич ва кир ювиш машинаси сингари зарурий уй-рўзғор буюмларини ҳарбий хизматчиларга кредит ҳамда ижара асосида бериш тартиби жорий этилган. Бу қулайликлардан фойдаланаётган ҳарбийлар ҳам талайгина.

Она-Ватанни кўз қорачиғидек асраш, осойишталигини таъминлаш, юртни ҳар қандай ёвдан муносиб ҳимоялашга қодир миллий армиямиз бугун чин маънода халқимизнинг фахру ифтихори, ишонч тоғига айланди.

**Юнус БЎРОНОВ.**

